



ISSUES RELATED TO THE EXERCISE OF PROCEDURAL RIGHTS IN THE CONDUCT OF ADMINISTRATIVE PROCEEDINGS

Guljakhon Madrakhimova

independent researcher

Tashkent State University of Law (TSUL)

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: guljahon_20@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Keywords: Administrative court, procedural rights, participant, court decision, appeal to court, application, petition, malicious Prosecution, abuse of rights, court competence

Received: 10.11.24

Accepted: 12.11.24

Published: 14.11.24

Abstract: This article is dedicated to using procedural rights in administrative legal proceedings. Each participant, namely the plaintiff, defendant, and other parties, can exercise their rights during the judicial process. In administrative proceedings, complaints and objections are accepted, and each participant must utilise the necessary rights to defend their position. The article explores the mechanism for implementing these rights, their significance, and their impact on administrative proceedings. It is well known that using procedural rights ensures citizens' access to justice and guarantees the effective functioning of the administrative court.

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚЛАРДАН ИНСОФЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАСИ

Гулжаҳон Мадраҳимова

мустақил тадқиқотчи

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: guljahon_20@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Маъмурий суд, процессуал ҳуқуқлар, иштирокчи, суд қарори, судга мурожаат қилиш, ариза, илтимоснома, malicious Prosecution, ҳуқуқни суийстеъмол қилиш, суднинг компетенцияси

Аннотация: Мазкур мақола маъмурий суд ишларида процессуал ҳуқуқлардан фойдаланишнинг аҳамиятига бағишланган. Ҳар бир иштирокчи, яъни даъвогар, жавобгар ва бошқа томонлар, суд иши давомида ўз ҳуқуқларини амалга ошириш

имконига эга. Маъмурий суд иши жараёнида шикоятлар ва эътирозлар қабул қилинади, ҳар бир процесс иштирокчиси ўз позициясини таъминлаш учун зарур ҳуқуқлардан фойдаланиши керак. Мақолада шундай ҳуқуқларнинг амалга оширилиш механизми, уларнинг аҳамияти ва маъмурий суд жараёнига таъсири ўрганилади. Маълумки, процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш фуқароларнинг адолатга эришиш имкониятларини таъминлайди ва маъмурий суднинг самарали ишлашини кафолатлайди.

ВОПРОСЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПРОЦЕССУАЛЬНЫХ ПРАВ ПРИ ВЕДЕНИИ АДМИНИСТРАТИВНЫХ ДЕЛ

Гулжахон Мадрахимова

независимый исследователь

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

E-mail: guljahon_20@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Административный суд, процессуальные права, участник, судебное решение, обращение в суд, заявление, прошение, malicious Prosecution, злоупотребление правами, компетенция суда

Аннотация: Данная статья посвящена значению использования процессуальных прав в административном судопроизводстве. Каждый участник, а именно истец, ответчик и другие стороны, имеет возможность реализовывать свои права в ходе судебного процесса. В процессе административного судопроизводства принимаются жалобы и возражения, и каждый участник процесса должен использовать необходимые права для защиты своей позиции. В статье исследуется механизм реализации таких прав, их значимость и влияние на административное судопроизводство. Известно, что использование процессуальных прав обеспечивает гражданам возможность добиться справедливости и гарантирует эффективное функционирование административного суда.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 39-моддасида ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, кўчирма нусха олиш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар такдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида юзага

келадиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳамда МСИЮтКда ўзларига берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Аризачи иш материаллари билан танишиши, улардан кўчирмалар олиш, кўчирма нусха олиши аризачининг муҳим процессуал ҳуқуқларидан бири ҳисобланади.

Иш материаллари билан ҳақиқий танишиш суд муҳокамасида ҳам, ундан ташқарида ҳам содир бўлиши мумкин. Ишда иштирок этувчи шахслар иш ҳужжатлари билан танишиш учун шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни, вакиллар эса уларнинг ваколатини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжатларни тақдим этишлари шарт. Прокурор иш материаллари билан ўз гувоҳномасини кўрсатгандан кейин танишишлари мумкин.

Ишлар билан танишиш шу мақсадда жиҳозланган хонада ваколатли суд ходими иштирокида ва назорати остида иш материалларини олиб қўйиш, шикастлаш ёки йўқ қилиш имкониятини истисно қиладиган шароитларда ўтказилиши керак.

Нусхалари ишда иштирок этувчи шахс томонидан мустақил равишда ва ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Иш материаллари билан танишиш тўғрисида маълумот варақасида қайд қилинади. Ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили таниши санаси ва ўзининг имзосини қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Раёсатининг 2020 йил 26 ноябрдаги РС-62-20-сонли қарорини 2-илоvasи яъни туманлараро маъмурий судларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқноманинг 35.1-бандида суд ишлари билан танишишга ёзма равишдаги ариза (илтимоснома) га мувофиқ фақат суд биносида суд раҳбарияти ёки судьянинг руҳсати билан йўл қўйилади.

Ариза (илтимоснома) ишда иштирок этувчи шахсларнинг вакиллари томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома илова қилинади.

Суд ишлари билан танишишга келган шахслар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак бўлади:

1. Иш бўйича тарафлар, учинчи шахслар, қонуний вакиллар ўзининг паспортини ёки шахсий хизмат гувоҳномасини;

2. Судда иштирок этувчи ёки иш билан танишиши керак бўлган адвокатлар-уларнинг бу ҳақида ўз ордерлари, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялари, адвокатлик гувоҳномаси ва шахсий ҳужжатлар.

Иш ҳужжатлари билан ишда иштирок этувчи шахслар иш кунлари 9-30дан 17-30 га қадар таништирилиши мумкин.

Иш ҳужжатлари билан танишиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар (танишиш жойи, шартлари, танишиш учун зарур ҳужжатлар, ариза (илтимоснома) шакли, маълумот учун телефонлар, суднинг почта ва электрон почта манзили) барча учун қулай жойга илиб қўйилади. Иш ҳужжатлари билан танишиш тўғрисидаги ариза (илтимоснома) судга келиб тушганда, девонхона ходими томонидан ахборот тизими орқали рўйхатдан ўтказилади ва раҳбарият кўрсатмасига асосан ишни кўраётган судьяга ёки архив мудирига реестр асосида имзо олиб топширилади.

Аризачининг яна бир процессуал ҳуқуқларидан бири рад қилиш тўғрисида арз қилишдир. Рад қилиш ҳуқуқи суд мустақиллиги принципини таъминловчи кафолатлардан биридир, чунки бу уларнинг холислиги ва холислик ҳақидаги шубҳаларни бартараф этишга имкон беради. Прокурор, суд мажлиси котибини, эксперт, мутахассис ва таржимонни рад этиш ҳуқуқи ҳам худди шу мақсадларга хизмат қилади.

МСИЮТКнинг 4-бобида судьяни ва маъмурий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларини рад қилиш масаласи ва ушбу турдаги аризани кўриб чиқиш тартиби кўрсатиб ўтилган.

Аризачи ўзининг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда судга далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиши мумкин.

МСИЮТКнинг 68-моддасида тарафлар ўз талабларини ёки эътирозларини қайси далиллар билан асослаб бераётган бўлса, ўз ихтиёридаги ушбу барча далилларни судга тақдим этиши шарт. Маъмурий орган ҳам маъмурий суд ишларини юритишнинг барча материалларини тақдим этиши шарт.

Агар тақдим этилган далиллар ишни тўғри ҳал қилиш учун етарли бўлмаса, суд ўз ташаббусига ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра қўшимча далилларни талаб қилиб олади.

Қисқача қилиб айтганда, аризачи суд муҳокамаси бошланишидан олдин далилларни тақдим этиши, ушбу ишда қатнашаётган бошқа шахслар томонидан тақдим этилган далиллар билан танишиши, шу билан биргаликда суднинг ташаббуси билан йиғилган далиллар билан ҳам танишиш ҳуқуқига эгадир.

Аризачи иш бўйича саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида юзага келадиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш ҳуқуқига ҳам эга.

Савол бериш ҳуқуқи қарама-қаршилик жараёнида жуда муҳимдир. Ундан малакали фойдаланиш тушунтиришлардаги қарама қаршиликларни аниқлаш, ноаниқликларни бартараф этиш имконини беради. Шу билан бирга, ушбу ҳуқуқни амалга ошириш исботлаш

предметига киритилган ҳолатлар доирасида амалга оширилиши керак. Аризачи белгиланган тартибда суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Юқоридаги ҳуқуқларга яна бир қанча ҳуқуқларни қўшиш лозим бўлади.

Масалан, **Эстония** Маъмурий процессуал кодексининг 27-моддасида процесс иштирокчисининг ҳуқуқлари кўрсатилган бўлиб, унда жараён иштирокчиси иш материаллари билан танишиш ва уларнинг нусхаларини олиш, суд мажлисларида иштирок этиш, ишни кўраётган суд таркибини билиш, даъволар ва аризалар юбориш, судга тушунтиришлар бериш ва иш юритиш жараёнида юзага келадиган барча масалалар бўйича далиллар тақдим этиш, далилларни тақдим этиш ва унинг тадқиқотларида иштирок этиш, жараённинг бошқа иштирокчиларининг илтимослари ва далилларига эътироз билдириш, жараённинг бошқа иштирокчиларига, гувоҳларга ва экспертларга саволлар бериш, ҳужжат шаклида тузилган суд ҳужжатининг тасдиқланган нусхасини олиши, шикоятга ва ундаги даъво миқдорида ўзгартиришлар киритиш ва шикоятни рад этиш каби ҳуқуқлари кўрсатилган.

Россия Федерациясининг Маъмурий суд иш юритуви кодексида, аризачининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларига маъмурий иш бўйича судьянинг алоҳида фикри билан танишиш ҳуқуқи ҳам назарда тутилган.

Қозғистон Республикасининг Маъмурий процессуал кодексида даъвогар таржимоннинг бепул ёрдамидан фойдаланиш ва ўз вакилига эга бўлиши кераклиги кўрсатилган.

МСИЮтКнинг 39-моддасига маъмурий иш бўйича судьянинг алоҳида фикри билан танишиш ҳуқуқи ва даъвогар таржимоннинг бепул ёрдамидан фойдаланиш ва ўз вакилига эга бўлиши кераклиги ҳақидаги процессуал ҳуқуқларни қўшиш лозим бўлади. Аризачи қонунда кўрсатилган процессуал ҳуқуқлардан фойдалансада, ўз навбатида процессуал мажбуриятларни ҳам бажариши керак. Аризачи қонунда назарда тутилган процессуал мажбуриятларга эга ва улар ўзларига тегишли барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланиши керак.

МСИЮтКда аризачи *ўзининг барча процессуал ҳуқуқларидан инсофли равишда фойдаланиши назарда тутилган бўлсада, унинг чегараси ва ҳуқуқдан инсофсиз равишда фойдаланганда жавобгарлик чоралари кўрсатилмаган.*

Эстония Маъмурий процессуал кодексининг 28-моддасида, процесс иштирокчиси ўз процессуал ҳуқуқларидан виждонан фойдаланиши шарт.

Суд процесс иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари ёки маслаҳатчилари томонидан ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилишга, жараённи кечиктиришга ёки судни чалғитишга ёки

судни чалғитишга йўл қўймайди. Ишнинг имкон қадар тўғри, тез ва тежамкор кўрилишига фарзли аралашган процесс иштирокчисига суд жаримаси солишга ҳақлидир.

Процесс иштирокчиси ва унинг вакили суд муҳокамаси пайтида унинг манзили ва алоқа маълумотлари, шу жумладан маълумотларнинг вақтинчалик ўзгариши тўғрисида судга ва процесснинг бошқа иштирокчисига дарҳол хабар бериши керак.

Процесс иштирокчиси суд томонидан сўралган фикр ва далилларни ўз вақтида ва суд томонидан белгиланган шаклда судга тақдим этиши шарт. Процесс иштирокчиси ёки унинг қонуний вакили, агар суд буни талаб қилса, суд мажлисига ёки бошқа процессуал ҳаракатга шахсан келишга мажбурдир.

Ҳуқуқ оламида аризачи ўзларига тегишли барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланиши кераклиги яъни “ҳуқуқни суиистеъмол” қилиш тушунчаси кенг қўлланилади.

Ҳуқуқни суиистеъмол қилиш моддий ва процессуал ҳуқуқда ўзига хос хусусиятга эга. Моддий ҳуқуқда суиистеъмоллик “шикана” қондасида ўз ифодасини топган. Бунда шахснинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ўзгаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги қондаси шахсни ўз ҳуқуқини суиистеъмол қилишига йўл қўймаслиги назарда тутилади. Шу сабабли ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўз ҳаракатларида ҳалоллик ва оқилоналикка риоя этишлари талаб этилади.

Айни пайтда процессуал ҳуқуқда ҳам ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш масаласи ҳам долзарб ҳисобланади. Бунда процессуал-ҳуқуқий муносабат иштирокчиси ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишда иккинчи тарафнинг манфаатларига путур етказмаслиги лозим бўлади. Процесс тарафи ўзининг процессуал ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишда ушбу ҳуқуқларни тайинлаш мақсадига қарама-қарши ҳаракат қилмаслиги ва шу йўл билан бошқа шахсларни ҳуқуқларини бузишга ҳаракат қилмаслиги зарур.

Маъмурий процесда ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш масалаларининг аҳамияти маъмурий ислоҳотлар ривожланиб, такомиллашиб бораётган бир шароитда кенг имкониятлар берилаётганлиги ортиқча маъмурий тўсиқларни олиб ташлашга ҳаракат қилинаётганлиги билан изоҳланади.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни суиистеъмол қилишга йўл қўймаслиги қондаси, аввало, Конституция ва тегишли қонунчиликдан келиб чиқади.

Қайд этиш ўринлики, маъмурий ислоҳотлар шароитида маъмурий процесда ҳуқуқни суиистеъмол қилиш масаласи атрофлича ўрганилмаган. Бундан фарқли равишда фуқаролик процессида тарафларнинг ҳуқуқлардан инсофсизлик билан фойдаланиш масалалари бир

қатор олимлар томонидан ёритилган. Хусусан, М.А.Гурвич, К.С.Юдельсон, Л.А.Ванеева қабилар бу борада муайян ғоя ва таклифларни ўз даврида илгари суришган эди.

А.В.Юдин томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш муаммоси монографик тарзда таҳлил қилинганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Унинг таъкидлашича, ушбу муаммога етарлича эътибор қаратилмаётганлиги боис ҳуқуқларни суиистеъмол қилувчилар суд ҳокимияти томонидан бунга яраша жавоб олмаяпти, шу билан бирга, суд низоси иштирокчилари томонидан процессни ютиш воситаси сифатида тарғиб қилинмоқда.

Замонавий ҳуқуқни қўллаш амалиётида ишда иштирок этувчи шахсларнинг **процессуал ҳуқуқларини суиистеъмол қилишнинг** қуйидаги усуллари учрайди:

а) судларда муайян гуруҳдаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда белгиланган тартибга нисбатан ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш;

б) сунъий равишда судга тааллуқлики ўзгартириш;

в) сунъий равишда процессни чўзиш;

г) далилларни тақдим қилиш, ариза ва илтимосномалар киритиш ҳуқуқини суиистеъмол қилиш. Одатда, ҳар қандай ҳуқуқий муносабатда тарафлар ўз ҳуқуқларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишади. Бироқ ҳар доим ҳам тарафлар ўзларига берилган ҳуқуқлардан, айниқса, маъмурий процесс иштирокчиларининг ўз ўрнида фойдаланади, деб бўлмайди. Чунки айрим ҳолларда тарафлар ўзларига берилган ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ иқтисодий процесс тарафлари процессуал ҳуқуқий муносабатларда ўзларига берилган қонуний имкониятлар доирасида ҳаракат қиладилар. Қонунда маъмурий процесс тарафларига бир қатор ҳуқуқий имкониятлар берилиши амалда ушбу ҳуқуқларни бошқа бир тарафнинг процессуал ҳуқуқларини суиистеъмол қилиши учун қулай имконият яратиб бериши мумкин. Натижада эса одил судловнинг мазмун-моҳиятида ўзгариш рўй беради, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши кузатилади, шу жумладан, самарали ва адолатли суд жараёнини ташкил қилиш бўйича оммавий манфаатга ҳам путур етади. Демак, процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш жиддий муаммо бўлиб, маъмурий процесс тарафлари ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни такомиллаштиришда муайян даражада ғов бўлиб ҳисобланади.

Юридик адабиётларда суд процессда ҳуқуқларни суиистеъмол қилишнинг бир қатор ҳолатлари намоён бўлиши ҳақида фикрлар келтирилган.

Ҳимояга бўлган ҳуқуқни ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини суиистеъмол қилишнинг оқибатларини қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1) ҳуқуқни суиистеъмол қилаётган шахсга муайян миқдорда пул суммасини тўлаш мажбуриятини юклаш шаклида;

2) ҳуқуқни суиистеъмол қилувчи шахс сўраётган ҳаракатларни содир этишни суд томонидан рад қилиниши шаклида.

Биринчи гуруҳга доир ишларда маъмурий суд, агар ҳуқуқини суиистеъмол қилувчи шахс суд мажлиси бўлмайд қилинишига, суд жараёни чўзилишига олиб келса, ишни кўришга тўсқинлик қилса ва қонуний ҳамда асосли суд қарори қабул қилинишига тўсқинлик қилса, у ҳолда ўзининг процессуал ҳуқуқларини суиистеъмол қилувчи шахс зиммасига барча суд харажатларини тўлашни юклаши мумкин.

Маъмурий суд процессуал ҳуқуқини суиистеъмол қилувчи шахснинг зиммасига, агар унинг ушбу ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) суд мажлиси ўтказилишига имкон бермаган, суд процесси муддатининг ўтишига олиб келган, ишни кўришга монелик қилган ҳолларда ва қонуний ҳамда асосларнинг суд ҳужжатини қабул қилишга тўсқинлик қилган бўлса, барча суд харажатларини унинг зиммасига юклашга ҳақли. Икки гуруҳдаги оқибатлар ҳуқуқни суиистеъмол қилувчи шахс сўраётган ҳаракатларни содир этишни рад қилиш қоидабузарни жазолаш эмас, балки процесс ҳаракатини чегаралаш борасидаги ҳаракатларни олдини олишга қаратилади.

Англия ҳуқуқида «қасдли суд таъкиби» (**maliciousprosecution**) институти мавжуд бўлиб, унга кўра оқилона ва тахмин тутилган асосларга эга бўлмаган ҳолда муваффақиятсиз процессни бошлаш ёки давом эттириш тушунилади. Бунда оқилона ва тахмин этилган асос даъвогарнинг айбига ва жавобгарлигига нисбатан оқилона ишончи, фактлар мавжудлигига инсофли ва оқилона ишончга асосланиш, агар улар ҳақиқатда мавжуд бўлганда процессни бошлаш ва давом эттириш учун оқилона асос берган бўлар эди, шунингдек фактларни аниқ ва қатъий тавсифлаш асосида ҳуқуқий маслаҳат билан инсофли ҳаракат қилиш тушунилади.

Қасддан суд процесси чўзилишига ҳаракат қилиш учун асоссиз, нотўғри расмийлаштирилган даъво аризаси, шикоят, далилларни талаб қилиб олиш, экспертиза тайинлаш тўғрисида ўйлаб топилган илтимосномалар тақдим қилиш, судьяни рад этиш тўғрисида асосланмаган ариза бериш каби ҳолатлар суд процессида кенг тарқалган.

Ҳуқуқини суиистеъмол қилишдан ўзини тийиб туришга сабаб бўладиган омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) ишни ва шикоятни кўриб чиқиш учун муайян миқдордаги суд божини тўлаши;

2) муайян миқдордаги суд харажатларини процессни ютқазган тараф зиммасига юклаш.

В.С.Анохиннинг фикрича, кўпинча ҳуқуқ қаерда тугаши ва қаердан ҳуқуқни суиистеъмол қилишнинг бошланишини (бу асосан, ҳуқуқ соҳасига эмас, балки кўпроқ

ахлоқий, фалсафий тушуниш, ҳимоя сўраб мурожаат қилувчи субъектнинг манфаатига боғлиқ бўлади) аниқлаш қийин кечади. Ҳуқуқни суиистеъмол қилишга қарама-қарши қилиб инсоф, юксак ахлоққа эга бўлиш кабилар қўйилади ва бу ўзига тегишли бўлган ҳуқуқ доирасида фуқаролик ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш ҳисобланади, яъни субъектив манфаат таъсири остида ҳуқуқ чегарасидан четга чиқиш сифатида кўрилади.

“Ҳуқуқни суиистеъмол қилиш” тушунчасининг назарий қоидаларда ва қонунчиликда ўз ифодасини топмаганлиги, унинг қатъий мезонларининг мавжуд эмаслиги турли шахсларнинг субъектив ҳуқуқларини тўкнашиши ушбу мураккаб низоларни, манфаатларни ҳал қилиш судлар томонидан биргина суднинг нуқтаи назарига боғлиқ қилиб қўяди.

А.А.Ивановнинг фикрича, иш кўрилаётган инстанцияга боғлиқ ҳолда давлат божи миқдорини дифференциациялаш ва ҳар бир инстанция бўйича ҳаракатланишига қараб унинг ортиб бориши арбитраж судларини профессионал аризачиларнинг кўпайишидан ҳимоя қилади ва аниқ асосланмаган ҳолда апелляция шикоятларини беришни олдини олишга хизмат қилган бўлар эди .

А.В.Юдиннинг фикрича, процессуал ҳуқуқни суиистеъмол қилиш деганда, низони ҳал қилишнинг даъво тартибини бузиш тушунилади, шунингдек процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш натижасида:

- 1) суд мажлиси бўлмаслиги;
- 2) суд процессини чўзиш;
- 3) ишни кўришга қаршилик қилиш;
- 4) суд томонидан қонуний ва асосли ҳужжат қабул қилинишига қаршилик қилиш оқибати келиб чиқади.

Бу ўринда А.А.Иванов давлат божи миқдори орқали процессуал ҳуқуқни суиистеъмол қилишни олдини олишга эришиш мумкин, деб ҳисобласа, А.В.Юдин процессуал ҳуқуқни суиистеъмол қилиш нималарда намоён бўлишига эътибор қаратади. Я.В.Грель процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш ва судга асоссиз равишда мурожаат қилиш ўртасидаги фарқни таҳлил қилар экан, арбитраж процессуал қонунчиликда суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқида насоссиз равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш лозимлигини таъкидлайди. Бунда жавобгарлик чораси сифатида даъвогарга барча суд харажатларини юклаш тарзида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деган фикр илгари сурилган. Ўзбекистон қонунчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, МСИЮтКда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга оид бирорта норма белгиланмаганлигини кузатиш мумкин.

Гарчи ушбу ҳолат алоҳида кўрсатилмаган бўлсада, МСИЮтКнинг 39-моддасида ишда иштирок этувчи шахслар ушбу Кодексда назарда тутилган процессуал

мажбуриятларга эга эканлиги ва улар ўзларига тегишли барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланишлари шартлиги белгиланган.

Бироқ ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланишда “инсоф” доирасидан четга чиқмасликни кафолатламайди. Мисол учун аризачи судга давлат ижрочисининг аризачига тегишли мулкни аукционга чиқаришда ифодаланган хатти-ҳаракатини ғайриқонуний деб топиш талаби билан маъмурий судга мурожаат қилади. Ушбу ҳолатда аризачи ўзининг МСИЮтКнинг 4-моддасида белгиланган (Ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга (судга) мурожаат қилишга ҳақли) ҳуқуқидан фойдаланиб судга мурожаат қилади ва суддан дастлабки ҳимоя чораларини кўриб унга тегишли мол-мулкни реализация қилишни тўхтатиб туришни сўрайди.

Бунда аризачи учун бузилган ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш эмас балки имкон қадар унга тегишли бўлган мулкнинг аукционда сотилмай туриши мақсад қилинган бўлади. Ушбу ҳолатда аризачи ўзининг бузилган ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатланганлигидан фойдаланиб ҳуқуқларини суиистеъмол қилади. Албатта судга мурожаат қилувчиларнинг бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ёки ниқобланган мақсадларни амалга ошириш мақсад қилинганлигини бир-биридан ажратиш қийинчилик туғдиради.

Бироқ ҳуқуқларнинг суиистеъмол қилиниши юқори бўлган низо тоифаларини ажратиш, бу бўйича алоҳида ёндашувларни амалиётга жорий қилиш, ушбу тоифадаги низолар бўйича судга мурожаат қилишда тўланиши лозим бўлган давлат божи умумий миқдорда қабул қилинсада, иш якуни аризачи учун муваффақиятсиз бўлса оширилган давлат божи ундиришни амалиётга жорий қилиш мумкин.

Бир қарашда бу аризачи учун суд орқали ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши кафолатларига тўсиқ бўладигандек кўринсада, унинг асосиз равишда судга қилган мурожаати оқибатида учинчи шахсларнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари (мулк ҳуқуқи ва б.) бузилаётганлигини тушуниш ушбу ёндашувнинг тўғри эканлигини тушунишга ёрдам беради. Ҳуқуқни суиистеъмол қилишга йўл қўймазлик тамойили хорижий мамлакатлар қонунчилигида мавжуд.

Жумладан, ушбу тамойил бир қатор ривожланган мамлакатлар суд ишларини юритишда асосий тамойиллар сирасига киритилган. Масалан, Германия Фуқаролик Тузукларининг 226-параграфи, Швейцария Фуқаролик Тузукларининг 2-моддасида мавжуд.

Ҳуқуқни суиистеъмол қилиш табиати қонун нормаларининг шакли ва уни адолатли ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжиде ётади. Яъни қонунчиликда муайян даражада тарафлар

учун ҳуқуқий имкониятлар, кафолатлар берилган ҳолда амалда унинг эҳтиёжлари бунга мос бўлмайди. Фуқаролик ҳуқуқида зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарликни белгилашда тарафга берилган имкониятларни суиистеъмол қилиши натижасида зарар миқдори кўпайиб боради. Бу иқтисодий процесда ҳам тарафлар ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш жараёнида ҳам кузатиш мумкин. Маъмурий низоларда ҳам бу каби ҳолатларни учратиш мумкин.

Тарафларнинг ҳуқуқларни суиистеъмол қилишида ушбу субъектнинг ҳаракатлари қонун мазмунига шаклан мос келади. Бироқ унинг чегарасидан четга чиқилади.

Ушбу ҳолатда чегарадан чиқишни аниқлаш бир мунча мураккаблик яратади. Яъни ушбу чегарани аниқлашда қандай мезонлар қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлиши белгилаб олинishi зарур.

Фикримизча, субъектив ҳуқуқлар чегараси унинг мазмуни аниқ эмаслигини кўрсатади.

Қонунчиликда ҳуқуқларни суиистеъмол қилмаслик ҳақида умумий қоидалар ҳам назарда тутилган. Албатта, бунда ушбу мажбуриятларни бажариш конкрет шахсларга эмас, балки номуайян доирадаги шахсларга қаратилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасига мувофиқ, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқладиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Мазкур конституциявий меъёр ҳуқуқларни суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслик тамойилини ўзида акс эттиради.

Шундай бўлсада, мазкур умумҳуқуқий норма мезонини қўллаш билан боғлиқ муайян масалалар мавжуд. Аввало, мазкур қоида қўллаш ҳуқуқни қўлловчи органларга боғлиқдир. Ушбу ҳолатда ҳуқуқий тартибга солишнинг бир неча ҳуқуқий манбалари мавжуд бўлади ва бунда нафақат ҳуқуқ нормалари, балки ҳуқуқ-тартибот ҳам қамраб олинади. Яъни ҳуқуқ тартиботнинг адолатли бўлиши, ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзаро мувозанатда бўлиши кабилар билан боғлиқ бўлади.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари изчил давом этаётган бугунги шароитда процессуал қонунчилик ҳам бир жойда туриб қолгани йўқ. Бу борада муайян қоидалар яратилиб тегишлича қонунчиликка киритиб борилмоқда. Юқорида биз ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш масаласига эътибор қаратдик.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида тарафларнинг процессуал ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш ҳоллари долзарб

муаммолардан бири ҳисобланади. Ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ваколатли шахс ҳуқуқ-атворида қонун белгилаган қоидаларнигина бузиш эмас, балки умум ҳуқуқий қўшимча мезонлар нуқтаи назаридан ҳам баҳоланиши зарур. Субъектив ҳуқуқнинг бир тури бўлган субъектив процессуал ҳуқуқда мазкур чегара маъмурий ишни тўғри ва тез кўришга қаратилган процесснинг мақсадида, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги, шу жумладан, тарафларнинг қарши манфаатлари уйғунлигини таъминлашда кўринади. Процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш ҳуқуқни амалга ошириш доирасидан четга чиқиш, натижада эса ишни тўғри, ўз вақтида ҳал қилиш, тарафлар тенглигини таъминлаш бўйича қарши тараф учун адолатсиз натижага эришишга олиб келади. Мазкур ҳолатда ҳар қандай маъмурий процесс тарафи учун, албатта, қайсидир маънода ҳуқуқлари бузилгандек кўринсада, процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш, умуман, қарши тарафнинг ҳуқуқларини поймол бўлишига олиб келиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, *процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилишнинг қуйидаги кўринишларини таснифлаш мумкин:*

1) *суд мажлисини бир неча мартаба қолдиришга ҳаракат қилиш (турли илтимоснома ва аризалар тақдим этиш орқали);*

2) *суд процессини асосиз равишда чўзиш (бир неча мартаба танаффус қилишни сўраш ва ҳ.к.)*

3) *ишни кўришга зимдан қаршилик қилиш (радия билдириш ва ҳ.к.)*

4) *суд томонидан қонуний ва асосли ҳужжат қабул қилинишига қаршилик қилиш(юқори инстанцияларга ва турли ташилотларга асосиз равишда шикоят ёзиш орқали судга босим ўтказиш).*

Процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилувчи шахс зиммасига суд харажатларини юклаш ҳақидаги қоида белгиланиши ҳуқуқни суиистеъмол қилишни олдини олишга, суд харажатларини процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилувчи шахс зиммасига юклашга имкон беради.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, фикримизча, МСИЮтКга қуйидаги мазмундаги моддани киритиш лозим:

“Ўзининг процессуал ҳуқуқларини суиистеъмол қилувчи шахс зиммасига суд харажатлари юкланади. Агар иш ишда иштирок этувчи шахс томонидан мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган низони судгача ҳал қилиш тартибини бузиш ёхуд суд олдидан бўладиган тартиботга риоя қилмаслик оқибатида юзага келган бўлса, суд ишининг натижасидан қатъи назар, суд харажатларини шу шахснинг зиммасига юклатишга ҳақли. Бунда суд харажатларини қоплаш иккинчи тарафга етказилган моддий зарарни ундиришдан қатъий назар ундирилади.

Маъмурий суд иши юзасидан ўзининг процессуал ҳуқуқларини суиистеъмол қилаётган ёки процессуал мажбуриятларини бажармаган шахс зиммасига, агар ушбу ҳолат суд мажлисининг бўлмай қолишига, суд процесси чўзилишига, ишни кўриб чиқишига ва қонуний ҳамда асосланган суд ҳужжатининг қабул қилинишига тўсқинлик қилган бўлса, барча суд харажатларини юклаши мумкин” ёки “Суд процесс иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари ёки маслаҳатчилари томонидан ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилишига, жараённи кечиктиришига ёки судни чалғитишига ёки судни чалғитишига йўл қўймайди. Ишнинг имкон қадар тўғри, тез ва тежамкор кўрилишига зарarli аралашган процесс иштирокчисига суд жаримаси солишига ҳақлидир”.

Юқоридаги чоралар судда ишларни ўз вақтида кўрилишини ҳамда аризачининг процессуал ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишлари юритиш тўғрисидаги кодекс // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2023 й., 03/23/889/0978-сон (lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Раёсатининг 2020 йил 26 ноябрдаги РС-62-20-сонли қарорини 2-илоvasи
3. https://www.juristaitab.ee/sites/default/files/seadustetolke%D0%90%D0%94%D0%9C%D0%98%D0%9D%D0%98%D0%A1%D0%A2%D0%A0%D0%90%D0%A2%D0%98%D0%92%D0%9D%D0%9E%D0%9F%D0%A0%D0%9E%D0%A6%D0%95%D0%A1%D0%A1%D0%A3%D0%90%D0%9B%D0%AC%D0%9D%D0%AB%D0%99%20%D0%9A%D0%9E%D0%94%D0%95%D0%9A%D0%A1_29.03.2015.pdf
4. "Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации" от 08.03.2015 N 21-ФЗ (ред. от 08.08.2024)
5. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K2000000350>
6. Арбитражный процесс в Российской Федерации: [учеб. пособие]. - Текст: электронный / А. В. Юдин, М. А. Агаларова, Е. Н. Губина, В. В. Котлярова, М. Н. Леонова, Р. З. Юсупов; М-во науки и высш. образования Рос. Федерации, Самар. нац. исслед. ун-т им. С. П. Королева (Самар. ун-т). - Самара : Изд-во Самар. ун-та, 2020. - 1 файл (1,05 Мб). - ISBN = 978-5-7883-1488-4